O‘ZBEKISTON DAVLAT JISMONIY TARBIYA VA SPORT UNIVERSITETI

FAN-SPORTGA

ILMIY-NAZARIY JURNAL

2025 / 1



ISSN: 2181 7804






PARIS 2024






UZBEKISTAN



FAN Sportga

илмий-назарий журнали

2025/1

Бош муҳаррир
Рашид МАТКАРИМОВ

Бош муҳаррир ўринбосари илмий маслаҳатчи:
Ш.Ш. ГАЗИЕВ

Таҳрир ҳайъати таркиби:

Э.Т. Рахманов
Ш.С. Мирзанов
М.Х. Миржамалов
М.Ў.Арзиқулов
С.Б. Репкин
Бек Мун Жонг
К.Б. Мухаммадиев
И.П. Сивохин
Н.Т. Тўхтабоев
С.Қ. Адилов
Б.К. Эримбетов
И.Б. Алиев
Л.П. Югай
Ш.С. Ёлдашов
Д.Х. Умаров
А.К. Эштаев
К.Ш. Зиядуллаев
Н.Ж. Исакулова
А.Б. Жуманиязов
М.М. Қирғизбоев

Таҳрир ҳайъати котиби

Ш.Х.Тоштурдиев
Б.А. Ишимов
Р.И. Исроилов
А.У. Рашидов
А.С. Гонашвили

Техник таҳририят таркиби:

Н.Н.Ғаффоров
М.С.Айходжаева
Ш.Б.Алиева
М.Раҳмонов

fan-sportga.uz

Журналнинг телеграм канали

МУНДАРИЖА/СОДЕРЖАНИЕ

СПОРТ МАШҒУЛОТЛАРИ: ТЕХНИКА, ТАКТИКА, УСУЛИЯТ / ТЕХНИКА, ТАКТИКА И МЕТОДИКА СПОРТИВНОЙ ТРЕНИРОВКИ

С.Р. Давлетмуратов – Методики повышения выносливости футболистов высокой квалификации в годичном цикле. 3

Р.И. Исроилов – Малакали гандболчиларнинг ҳудудий ҳужум самарадорлигини ошириш. 7

С.Қ. Адилов – Спорт курашлари бўйича Париж-2024 олимпия ўйинларининг илмий-назарий таҳлили. 13

К.Т. Шакиржанова., Е.С. Люлина – Итоги выступления национальной сборной команды Узбекистана на XXXIII олимпийских играх в Париже. 17

Г.М. Зоитова., У.Х. Рахимбаев – Исследование значения выносливости для пловцов на длинные дистанции. 21

А.Р. Машарипов – XXXIII ёзги олимпия ўйинларида велосипед спорт тури бўйича ўзбекистонлик спортчилар иштирокининг илмий-назарий таҳлили. 23

А.Ш. Хамроев – Малакали белбоғли курашчиларнинг мусобақа фаолияти асосида индивидуал техник тайёргарлигини ошириш самарадорлиги. 26

М.Ю. Ганиева – Стол тенниси билан шуғулланувчи спортчиларнинг техник тайёргарлигини ривожланганлик динамикаси. 29

Д.Х. Исмоилов., З.А. Абдулхаева – Методологические основы подготовки юных волейболистов на этапе начального обучения. 33

Б.Қ. Бобомурадов – Дастлабки тайёргарлик босқичидаги футболчиларни жисмоний ва техник тайёргарликларини таҳлили. 37

АДАПТИВ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ АДАПТИВНАЯ ФИЗИЧЕСКАЯ КУЛЬТУРА

В.Б. Арипова –Болалар серебрал фалажи ташхиси қўйилган болалар учун адаптив жисмоний тарбия машғулоти. 41

FAN Sportga
илмий-назарий журнали

“FAN – SPORTGA”
илмий-назарий журнали

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети муассислигида чоп этилади

Таҳририят манзили:
111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси 19-уй. Формат 60x84 1/16. 84 саҳифа.
Адади 200 нусха.
Босишга рухсат этилди: 15.01.2025

Журнал “DAVR MATBUOT SAVDO” МЧЖ босмахонасида нашр қилинди.

“MATBUOT TARQATUVCHI” обуна каталоги индекси: 1118

05.02.2018 йилда Тошкент шаҳрида оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Рўйхатга олиш рақами № 02-005 “FAN – SPORTGA” журнали 2004 йилдан нашр этилади.

Суратлар муаллифи:
Анвар Ильясов
Абдулло Файзуллаев

2025/1

Л.Т. Давлатова – Пара волейбол машғулотларида имконияти чекланган талабалар учун жисмоний сифатларни ривожлантириш модулини ишлаб чиқиш самарадорлиги. 45

Ж.Ж. Жуманиёзов – Пара велоспортчиларнинг функционал ҳолатини замонавий технологиялар орқали баҳолаш услубияти. 48

ОММАВИЙ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
МАССОВАЯ ФИЗИЧЕСКАЯ КУЛЬТУРА И СПОРТ

О. Абдалимов – Современные правовые основы и методы популяризации игровых видов спорта в Узбекистане. 50

Н.А. Худайбердиева., Г.М. Зоитова – Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида аёллар ўртасида оммавий спортни ривожлантириш тадбирларини амалга ошириш. 53

Д.К. Каримов – Организационно-педагогические условия эффективной реализации комплексно-комбинированной методики занятий оздоровительной физической культурой. 58

ПЕДАГОГИК КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ
ПОДГОТОВКА ПЕДАГОГИЧЕСКИХ КАДРОВ

Ғ.Н. Эрназаров – Талабаларнинг индивидуал хусусиятлари ҳисобга олиб табақалаштирилган айланма машқларни қўллаш услуби. 60

Р.А. Матчанов – Влияние средств самбо и рукопашного боя при боевой специальной подготовке курсантов. 64

Д.К. Ахмаджонов – Ҳарбий хизматчиларни ҳафталик машғулот циклларини режалаштириш самарадорлиги. 66

А.Акбаров, О.М. Ёқубова – Волейболчиларнинг махсус жисмоний тайёргарлик кўрсаткичларини инновацион дастур асосида такомиллаштириш. 69

М.Р. Умарова – 13-14 ёшли қисқа масофага югурувчи спортчиларнинг жисмоний ва функционал тайёргарлигини шакллантиришнинг илмий-методологик асослари. 75

Б.Н. Акрамов – Ёш футболчи қизларда тезкорлик сифатини ошириш услубияти. 79



Педагогика фанлари доктори (DSc)., доцент
С.Қ. АДИЛОВ[1]
[1]Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети
Чирчиқ шаҳри, Ўзбекистон

СПОРТ КУРАШЛАРИ БЎЙИЧА ПАРИЖ-2024 ОЛИМПИЯ ЎЙИНЛАРИНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ТАҲЛИЛИ

Аннотация

В данной статье анализируются результаты анализа Олимпийских игр Париж-2024 по спортивной борьбе, самого престижного соревнования четырехлетия. Будут обсуждаться вольная греко-римская и женская борьба, успехи новых чемпионов в своих весовых категориях и неудачи действующих чемпионок. Основной целью было тщательно подготовиться к предстоящим соревнованиям и ознакомить спортсменов-победителей с процессами тренировок и подготовки, чтобы оказать им достойную устойчивость к предстоящим Олимпийским играм.

Ключевые слова. *Результаты, Олимпийские игры Париж-2024, победа, поражение, анализ, тренер, соревновательная деятельность.*

Annotation

Ушбу мақолада тўрт йилликнинг энг нуфузли мусобақаси спорт курашлари бўйича Париж-2024 олимпия ўйинлари таҳлили натижалари келтириб ўтилган. Эркин юнон-рим ҳамда аёллар кураши, вазн тоифаларида янги чемпионларнинг муваффақиятлари ва амалдаги чемпионларнинг муваффақиятсизликлари ҳақида сўз боради. Бундан асосий кўзланган мақсад келгуси мусобақаларга пухта тайёргарлик кўриш ва ғалабага эришган спортчиларни машғулот ҳамда тайёргарлик жараёнлари билан танишиб бориш орқали уларга келгуси Олимпия ўйинларига муносиб қаршилик кўрсатишдан иборат.

Калит сўзлар. *Натижалар, Париж-2024 олимпия ўйинлари, ғалаба, мағлубият, таҳлил, мураббий, мусобақа фаолияти.*

This article analyzes the results of the analysis of the Paris 2024 Olympic Games in wrestling, the most prestigious competition of the quadrennial. It discusses the successes of new champions in freestyle Greco-Roman and freestyle wrestling, weight categories, and the failures of current champions. The main goal was to thoroughly prepare for the upcoming competitions and familiarize the victorious athletes with the training and preparation processes, so that they can compete adequately in the upcoming Olympic Games.

Key words. *Results, Paris 2024 Olympic Games, wins, losses, analysis, coach, competition activities.*

Долзарблиги. XXXIII ёзги Олимпия ўйинларида (Париж-2024) 208 та давлат қатнашиб Ўзбекистон умумжамоа ҳисобида тарихда илк бор 8та олтин, 2та кумуш ва 3та бронза медаллар билан 13-ўринда якунлади. Спорт курашлари бўйича умумжамоа ҳисобида Эрон, Япония, АҚШдан кейин 4-ўринда якунлади. Ҳусусан Спорт курашлари бўйича -74кг вазн тоифасида Разамбек Саламбекович Жамалов олтин ва -57кг вазн тоифасида Ғуломжон Абдуллаев бронза медалини қўлга киритишди. Тарихда биринчи бор Аёллар кураши бўйича -50кг вазн тоифасида Ақтенге Кеунимжаева Олимпия ўйинларида иштирок этди.

Париж-2024 Олимпия ўйинлар кутилмаган натижаларга бой бўлди. Яъни амалдаги олимпия чемпионлари кутилмаганда мағлубиятга учради. Масалан Юи Сусаки, Ҳелен Мароулис, Токио-2020 олимпия ўйинлари ғолиби Такуто Отагуро хаттоки лицензия ҳам қўлга кирита олмади. Яна бир мисол сифатида Юнон-рим кураши бўйича Рио-2016 Олимпия ўйинлари ғолиби Артур Алексанян ҳам финал баҳсида Эронлик Токио-2020 Олимпия ўйинлари совриндори, Жаҳон чемпиони (Осло-2021) Моҳаммад Ҳади Саравига мағлубиятга учради. Эркин кураш бўйича эркаклар ўртасида Париж-2024 Олимпия ўйинлари ғолиб ва совриндорларини биринчи жадвалда кўришингиз мумкин.

1-жадвал

Эркин кураш бўйича Париж-2024 Олимпия ўйинлари натижалари

Вазн Тоифалари	Олтин	Кумуш	Бронза
-57 **Кг**	Реи Хигучи Япония	Спенсар Ричард Лее Америка Қўшма Штатлари	Аман Аман. Ҳиндистон
			Ғуломжон Абдуллаев **Ўзбекистон**
-65 Кг	Котаро Киёока **Япония**	Раҳман Амоузадҳалили Эрон	Ислам Дудаев Албания
			Себастиан Ривера Пуерто-Рико
-74 Кг	Разамбек Саламбекович Жамалов **Ўзбекистон**	Даичи Такатани Япония	Кайл Доуглас Дэек. Америка Қўшма Штатлари
			Чермен Валиев Албания
-86 Кг	Магомед Рамазанов Болгария	Ҳассан Язданичарати. Эрон	Аарон Марқуел Броокс Америка Қўшма Штатлари
			Даурен Куруглиев Греция

-97 Кг	Акҳмед Тажудинов Бахрайн	Гиви Матчарашвили Грузия	Магомедҳан Магомедов Озарбайжон
			Амирали Азарпира Эрон
-125 **Кг**	Гено Петриашвили Грузия	Амир Ҳоссеин Заре Эрон	Таҳа Акгул Туркия
			Гиорги Мешвилдишвили. Озарбайжон

Ўзбекистонлик спортчилар қуйидаги рақиблар билан баҳс олиб боришди: Разамбек Жамалов ўтиш баҳсида Токио-2020 олимпия ўйинлар кумуш медали сохиби М. Кадимагамедов (АИН-нейтрал жамоа) устидан 8:0 ҳисобида ишонарли ғалаба қозонди. 1/8 да эса 4 карра Европа чемпиони Т.Салказанов (СЛО) устидан 11:3 ҳисобида ишончли ғалаба қозонди.1/4 финалда У-23 жаҳон чемпиони Ч. Валиевни (АЛБ) кичик устунлик билан 6:5 ҳисобида мағлуб этди. ½ баҳсида Жаҳон кубоги ғолиби (2019-Якутск), Осиё чемпионати финалчиси (2024-Бишкек) В. Рассадин (ТЖК) устидан 8:2 ҳисобида ғалаба қозонди. Финал баҳсида жаҳон чемпионати совриндори (2023-Белград) Д. Такатани (Япония) устидан жудаям чиройли 3-талик комбинацияни амалга оширган ҳолда: бўйни-оёғини қўшиб ушлаб муддатидан олдин “Туше” билан ғалаба қозонди. Шу тариқа Париж-2024 33-ёзги Олимпия ўйинларида Эркин кураш бўйича -74 вазн тоифасида Разамбек Саламбекович Жамалов мутлоқ ғолиб бўлди.

Ғуломжон Абдуллаев 1/8 баҳсида 2023-йилги Европа чемпиони А. Ризазадени (АЗЕ) 11:4 ҳисобида мағлуб этди. ¼ баҳсида 4 карра Европа чемпиони А.Харитунянни (АРМ) 12:5 ҳиобида мағлуб этди.1/2 баҳсида Ран-Америка чемпиони (2024), Ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони (2015-Салвадор) Сренсор Леега (АҚШ) 14:4 ҳисобида мағлуб бўлди, бу баҳсда Ғ.Абдуллаев 1-давранинг 2 дақиқа 32 сонияда икки оёққа ўтишни бажармоқчи бўлди, рақиб ҳимояланди ва партерга тушириб, айлантириб тўнтариш усули билан техник устунликга эришди.

Ғ. Абдуллаев икки оёққа ўтиш усулини иккинчи марта самарасиз бажариб техник ва тактик хатога йўл қўйди. 3-ўрин учун баҳсда U-23 жаҳон чемпионати совриндори, U-23 Осиё чемпионати ғолиби Бегзат Алмаз улуни (КГЗ) 4:1 ҳисобида мағлуб этди. Шу тариқа, Париж-2024 33-ёзги Олимпия ўйинларида Эркин кураш бўйича -57 вазн тоифасида Ғуломжон Озодович Абдуллаев бронза медалини қўлга киритди.

Жабраил Шапиев 1/8 баҳсида жаҳон чемпионати кумуш медали соҳиби (2023-Белград) В. Гамкрелидзени 5:1 ҳисобида мағлуб этди.1/4 Асли Россиялик Европа чемпионати финалчиси (2020-Рим), Жаҳон кубоги ғолиби (2019-Якутск) М. Рамазановга (БУЛ) 1:4 Тоуше билан мағлубиятга учради. Тасалли баҳсларида Ран-Америка чемпионати совриндори Александр Мурни (КАН) мағлуб этди. 3-ўрин учун баҳсда эса У-23 жаҳон чемпиони (2023-Тирана) Арон Бруксга (АҚШ) 0:5 ҳисобида мағлубиятга учраб Париж-2024 33-ёзги Олимпия ўйинларида Эркин кураш бўйича -86 кг вазн тоифаси бўйича 5-ўринда якунлади.

Олимпия ўйинларида баъзи финал баҳслари хақида: -65 кг вазн тоифасида финалда Катаро Киёка (ЖПН) ва жаҳон чемпиони (2022-Белград) Раҳман Амузадҳалили (ИРН) билан баҳс олиб борди. Катаро Киёка бир неча халқаро турнирлар ғолиби ва ички саралаш баҳсларида Токё-2020 Олимпия чемпиони Такуто Отагурони мағлуб этиб йўлланмани қўлга киритган. Финалда жуда фаол кураш олиб борди, рартерда кўрроқ балл олишга эришиб 10:3 ҳисобида мутлоқ ғолиб бўлди.

-86 кг вазн тоифаси финалида асли Россиялик Европа чемпионати финалчиси (2020-Рим), жаҳон кубоги ғолиби (2019-Якутск) Магамед Рамазанов ва Рио-2016 Олимпия чемпиони , 3 карра Жаҳон чемрони, 4 карра осиё чемпиони Хасан Яздани-чарати билан баҳс олиб борди. Х. Яздани қўлидан олган жароҳат сабабли баҳсни охиригача давом эттира олмади ва мағлуб бўлди.

2-жадвал

Аёллар кураши бўйича Париж-2024 Олимпия ўйинлари натижалари

Вазн тоифалари	Олтин	Кумуш	Бронза
-50 **кг**	Сараҳ Анн Ҳилдебрандт Америка Қўшма Штатлари	Юснейлис Гузман Лопез Куба	Юи Сусаки Япония
			Зики Фенг Хитой
-53 **кг**	Акари Фужинами Япония	Лусиа Ямилетҳ Юпез Гузман. Эквадор	Ҳё Гёнг Чое. Шимолий Кореа
			Кианю Панг. Хитой

-57 **кг**	Тсугуми Сакураи Япония	Анастасия Ничита Малдовия	Ҳелен Лоуисе Мароулис Америка Қўшма Штатлари
			Кехин Ҳонг Хитой
-62 кг	Сакура Мотоки Япония	Ирина Колиаденко Украина	Грейс Жасоб Буллен Норвегия
			Аисулуу Тыныбекова. Қирғизистон
-68 кг	Амит Элор Америка Қўшма Штатлари	Меерим Жуманазарова Қирғизистон	Нонока Озаки Япония
			Бесе Чавушоглу Тосун Туркия
-76 **кг**	Юка Кагами Япония	Кеннеди Алехис Бладес Америка Қўшма Штатлари	Татиана Рентериа Рентериа Колумбия
			Милаимй де ла Сарид. Марин Потрилле Куба

Эркин кураш бўйича аёллар ўртасида Париж-2024 Олимпия ўйинлари ғолиб ва совриндорларини иккинчи жадвалда кўришингиз мумкин.

Юнон-рим кураши бўйича 60кг вазн тоифасида Исломжон Бахромов бронза медали учун кечган баҳсда Осиё чемпионати финалчиси (Бишкек-2018) Се Унг Рига мағлуб бўлди. Беллашувнинг дастлабки дақиқасида Се Унг Ри белидан ушлаб зарб билаб йиқитмоқчи бўлди, техник ҳаракат 2 балл билан баҳоланди ҳужумни давом эттириб партерда белини ушлаб айлантириб тўнтариш усулини уч марта бажарди. Арбитр ҳуштагидан сўнг спортчилар тик туриш ҳолатига қайтишди. Ҳужумни қайтариш мумкин эди, агар спортчимиз танасига қўшиб ушланган қўлини чиқара олганда вазиятни ўзгартира олар эди. Шундан сўнг бош мураббий Р.Рўзиқулов челенж сўради, лекин афсуски гилам бошқарувчиси арбитр томонидан берилган балларни тўғри деб баҳолади. Сўнги натижа эса 0:9 ҳисоби билан ҳамюртимиз мағлубиятга учраб, Париж-2024 олимпия ўйинларини 5-ўрин билан якунлади.

3-жадвал

Юнон-рим кураши бўйича Париж-2024 Олимпия ўйинлари натижалари

Вазн тоифалари	**Олтин**	**Кумуш**	**Бронза**
-60 **кг**	Кеничиро Фумита. Япония	Лигуо Сао Хитой	Жоламан Шаршенбеков. Қирғизистон
			Се Унг Ри Шимолий Кореа
-67 **кг**	Саеид Эсмаили Леивеси Эрон	Парвиз Насибов Украина	Ҳасрат Жафаров Озарбайжон
			Луис Алберто Орта Санчез Куба
-77 **кг**	Нао Кусака Япония	Демеу Задраев Қозоғистон	Акжол Маҳмудов Қирғизистон
			Малкҳас Амоян. Арманистон
-87 **кг**	Семен Сергеевич Новиков. Болгария	Алиреза Моҳмадиани Эрон	Турпал Али Бисултанов. Дания
			Жан Белениук. Украина
-97 **кг**	Моҳаммад Хади Сарави Эрон	Артур Алексанян. Арманистон	Габриел Росилло Куба
			Узур Жузупбеков Қирғизистон
-130 **кг**	Михаин Лопез Нунез Куба	Ясмани Асоста Фернандез Чили	Амин Мирзазадеҳ Эрон
			Лингҳе Менг Хитой

Ҳамюртимиз -77кг вазн тоифасида Арам Варданян бронза медали учун баҳсда Жаҳон чемпиони (Осло-2021), Европа чемпиони (Будапешт-2022) М.Амоян билан кураш олиб борди. Баҳсда М. Амоян дастлабки дақиқа сўнгида рақибини гилам ташқарисига чиқариб 1-балл қўлга киритди, унинг фаоллиги сабаб А. Варданян партерда ҳимояланишга мажбур бўлди, қоидага кўра 1-балл берилди М.Амоянга. Партердан у яхши фойдаланди ва 4 баллик айлантириб ташлаш усулини бажарди. 2-даврада А.Варданян курашни фаол бошлаб рақибини партерга ўтказмоқчи бўлди лекин усул баҳоланмади, сабаби оёқ фаол ишлатилди деб кўрилди. Баҳс давомида А.Варданян партерда М.Амоянни қўл ва бўйнини ушлаб тўнтариш усулини бажариб 2 балл олди. Челленждан сўнг А.Варданяннинг бали 4-баллга ўзгартирилди. Шундай қилиб, Париж-2024 олимпия ўйинларида ҳамюртимиз 6:5 ҳисобида мағлубиятга учраб, 5-ўринда якунлади. Бу баҳсда бош мураббий Р. Рўзиқулов вазиятни тўғри баҳолаб ташлаган челенж сабаб 2 балл 4 баллга А. Варданян фойдасига ўзгартирилди. А. Варданян баҳсни жуда фаол олиб борган бўлсада рақиби тактик жиҳатдан устун келди.

-97кг вазн тоифасида Р.Ассакалов бронза медали учун Кубалик жаҳон чемпиони (Белград-2023) Рассило Киндга қарши олиб борди. Баҳс бошида ҳамюртимиз ўзининг шох усули юқоридан қўли ва бўйнини ушлаб кўкракдан ошириб ташлаш усулини бажармоқчи бўлди рақиби бундан ҳимояланди. Натижада Р. Ассакалов елкасидан жароҳат олиб баҳсни давом эттира олмади. Ғолиблик Рассило Киндга берилди. Баҳсдан сўнг, ҳамюртимиз спорт фаолиятини якунлаганини рамзи сифатида оёқ кийимини гилам марказида қолдирди. Р. Ассакалов кичик техник ҳато ва жароҳат сабаб Париж-2024 Олимпия ўйинларини 5-ўринда якунлади.

Париж-2024 Олимпиа ўйинларида эркин кураш бўйича мамлакат терма жамоалари қуйидагича ўрин эгаллашди:

4-жадвал

Ўрни	Жамоа	-57кг	-65кг	-74кг	-86кг	-97кг	-125кг	Жами
1.	Эрон		20	8	20	15	20	83
2.	Яропия	25	25	20	8			78
3.	АҚШ	20		15	15	10	2	62
4.	**Ўзбекистон**	15		25	10			50
5.	Грузия					20	25	45
6.	Азарбайжон		6		6	15	15	42

Хулоса қилиб айтганда Мамлакатимизда эркин курашни янада ривожлантириш учун ўқув жараёнининг илмий-услубий ёндашувини такомиллаштириш зарур.

Спорт заҳираларини тайёрлаш тизимини ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш зарурати келиб чиқади.

Халқаро спорт мусобақаларида маҳаллий курашчилар билан биргаликда юқори рейтингга эга бўлган хорижий кучли курашчилар, халқаро даражадаги мураббийлар ва ҳакамларнинг иштирокини таъминлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

спортчиларнинг профессионал маҳоратини ва тренерларнинг касбий малакасини ошириш учун спорт курашлари бўйича хорижий мактаблар билан ҳамкорликни ривожлантириш ва тажриба алмашиш, спорт курашларини ривожланган мамлакатлар билан рақобат қила оладиган даражага етказиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Спорт курашлари бўйича маҳаллий ва халқаро мусобақаларни тизимли равишда ташкил қилиш, халқаро мусобақаларда иштирок этиш, шу жумладан Олимпия ва Осиё ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини берувчи лицензияларни қўлга киритиш ва ҳар Олимпия ва Осиё ўйинлари циклида уларнинг сонини кўпайтириб бориш лозим.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 11-апрелдаги “Маҳаллаларда ёшларни оммавий спортга жалб қилишни янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–201-сон қарори билан 2023-йил 1-мартдан бошлаб олимпия, ноолимпия ва миллий спорт турлари бўйича уч босқичли умумреспублика спорт мусобақаларини ўтказиш тизими жорий этиш тўғрисида.

2. Олимпия ва паралимпия спорт турлари бўйича юқори малакали ҳамда замонавий билим ва технологияларни ўзлаштирган тренер, ҳакам, селеционер ва бошқа мутахассисларни тайёрлаш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 5-ноябрдаги “Спорт таълими тизимини тубдан такомиллаштириш орқали олимпия ва паралимпия спорт турлари бўйича спортчилар захирасини шакллантириш сифатини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–5279-сон қарори.

3. Керимов Н.А., Недорезов А.И., Рузиев М.А., Рузиев А.А., Система планирования и контроля учебно тренировочных нагрузок в вольной борьбе //Олимпия ҳаракатини ривожлантириш, олимпия таълимотини жорий этиш ва Сиднейда ўтказиладиган XXVI Олимпия ўйинларига тайёргарлик масалаларига бағишланган: III Республика илмий-амалий анжумани муаммолар тўплами. 27 апрел 1999. - Тошкент. – Б. 113-116.

4. Бакиев З.А. Керимов Ф.А. Инновационны е технологии в подготовке квалифицированных борцов на основе системного анализа деятельности спортсменов и тренеров с учетом уровня их спортивного мастерства// //Шаг в науку// Материалы IV научно-практической конференции молодых ученых (II всероссийской) г. Москва, 18 декабря 2020. – С. 328-334.

5. Ягелло В., Ткачук В. Особенности этапа сохранения спортивных достижений лучшими дзюдоистами мира //Теория

и практика физической культуры. - Москва, 2003. -№7. – С. 32-37.

6. Адилов С.Қ. Спорт курашида координацион қобилиятлар ва техник-тактик тайёргарликларни махсус машқлар орқали такомиллаштиришнинг самарадорлигини ошириш // Фан-спортга илмий-назарий журнали 2022/5, 2181-7804 Б. 10-12.

7. Адилов С.Қ. Кураш турларида координацион қобилият ва техник-тактик тайёргарликларни такомиллаштиришни режалаштириш // Халқаро илмий-методик журнал.- Бухоро, 2022/№10. 2181-1709 (П). Б. 108-115.

8. Адилов С.Қ. Спорт курашида машғулот жараёнини оптималлаштириш // Нам-ДУ илмий ахборотномаси – 2022-йил 11-сон. Иссн: 2181-0427. Б. 731-736.

9. Адилов С.Қ. Спорт курашида спортчиларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш технологияси // Таълимда инновацион тадқиқотлар 2023/10, 2181-1709 (П). Б. 73-78.



Кандидат педагогических наук,
профессор,
Заслуженный тренер Республики Узбекистана,
К.Т. ШАКИРЖАНОВА[1]

Старший преподаватель,
Е.С. ЛЮЛИНА[1]
[1]Узбекский государственный университет физической культуры и спорта, город Чирчик, Узбекистан

ИТОГИ ВЫСТУПЛЕНИЯ НАЦИОНАЛЬНОЙ СБОРНОЙ КОМАНДЫ УЗБЕКИСТАНА НА XXXIII ОЛИМПИЙСКИХ ИГРАХ В ПАРИЖЕ

Аннотация

Статья посвящена историческому успеху узбекских спортсменов на XXXIII Олимпийских играх в Париже 2024 года, где они завоевали 13 медалей (8 золотых, 2 серебряные и 3 бронзовые). Этот результат стал возможен благодаря внедрению новаторских методик подготовки, международному сотрудничеству и масштабным реформам в спортивной сфере, инициированным Президентом Республики Узбекистан. В статье рассматривается вклад отдельных спортсменов, анализируются ключевые факторы успеха, а также обсуждаются перспективы дальнейшего развития спорта в Узбекистане.

Ключевые слова: *олимпийские игры, медали, подготовка, спортсмены, реформа.*

Annotation

Мақола 2024 йилда Парижда бўлиб ўтган XXXIII Олимпия ўйинларида ўзбекистонлик спортчиларнинг тарихий муваффақиятларига бағишланган бўлиб, улар 13 медални (8 олтин, 2 кумуш ва 3 бронза) қўлга киритдилар. Бу натижа Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан тайёргарликнинг инновацион усулларини жорий этиш, халқаро ҳамкорлик ва спорт соҳасида кенг кўламли ислоҳотлар натижасида амалга оширилганлигини англатадт. Мақолада муваффақиятнинг асосий омиллари таҳлил қилинади ва Ўзбекистонда спортни янада ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинади.

Калит сўзлар: *олимпия ўйинлари, медаллар, машғулотлар, спортчилар, ислоҳотлар.*

The article is devoted to the historical success of Uzbek athletes at the XXXIII Olympic Games in Paris 2024, where they won 13 medals (8 gold, 2 silver and 3 bronze). 13 medals (8 gold, 2 silver and 3 bronze). This result was made possible thanks to the introduction of innovative training methods, international cooperation and major reforms in the athletics sector. Cooperation and large-scale reforms in the sports sphere initiated by the President of the Republic of Uzbekistan. President of the Republic of Uzbekistan. The article examines the contribution of individual athletes, analyzes key success factors, and discusses the prospects for further development of sport in Uzbekistan. prospects for further development of sport in Uzbekistan.

Key words: *olympic Games, medals, training, athletes, reform.*

Актуальность. Олимпийские игры 2024 года в Париже стали важнейшей вехой для спорта Узбекистана, подтвердив его лидерство в регионе Центральной Азии, СНГ и среди участников Организации исламского сотрудничества. Успех узбекских атлетов на этих играх, обусловленный масштабными реформами в спортивной сфере, требует детального анализа, поскольку он демонстрирует новую стратегию и системный подход к развитию спорта в стране. Данное исследование имеет актуальность, поскольку оценивает достигнутые успехи и намечает перспективы дальнейшего укрепления позиций Узбекистана в мировом спорте.

Цель исследования. Определить ключевые факторы, которые способствовали историческому успеху узбекских спортсменов на Олимпийских играх 2024 года, а также оценить влияние спортивных реформ и международного сотрудничества на развитие олимпийского движения в Узбекистане.

Задачи:

1. Оценить достижения узбекских спортсменов на Олимпиаде 2024 года.

2. Изучить влияние спортивных реформ на подготовку спортсменов Узбекистана.

Методы исследования. Аналитический обзор, ретроспективный анализ, перспективный анализ.

Материалы исследования и их обсуждение. Олимпийские игры 2024 года в Париже стали важнейшим событием для мирового спортивного сообщества. С 24 июля по 11 августа на них соревновались представители 206 стран, принимая участие в 32 видах спорта. Всего было разыграно 329 комплектов наград. Для Узбекистана эти Игры стали не только возможностью подтвердить свои спортивные достижения, но и продемонстрировать успехи, достигнутые благодаря масштабным реформам, проводимым в последние годы в спортивной сфере.

Узбекистан направил на Олимпийские игры в Париже 90 атлетов, которые приняли участие в 19 видах спорта. Этот показатель стал рекордным для страны.


UZB













